

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Мулладжанова Насиба Азимджановна**  
ТДИУ Инглиз тили кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: [nasiba.chust@gmail.com](mailto:nasiba.chust@gmail.com)

**Тўхтаназарова Барно Алиевна**  
ТДИУ Инглиз тили кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: [irc.barno@mail.ru](mailto:irc.barno@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада замонавий жамият томонидан қўйиладиган бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва касбий фазилатларига, уларнинг хорижий тилларни ўқитиш жараёнида ривожланиши, шунингдек, рақамли технологиялар ва Интернет-ресурсларидан фойдаланиш талаблари муҳокама қилинган. Хусусан, бу профессор-ўқитувчи томонидан қўйилган аниқ мақсадларга эришиш учун ўқув қўлланмаларини тизимли равишда танлаш муҳимлиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** замонавий таълим, компьютерлаштириш, рақамли технологиялар, ўқув қўлланмаларини танлаш.

**Аннотация.** This article examines the personal and professional qualities of future specialists set by modern society, their development in the process of teaching foreign languages, as well as the requirements for the use of digital technologies and Internet resources. In particular, it emphasizes the importance of a systematic selection of textbooks to achieve specific goals set by the professor.

**Keywords:** modern education, computerization, digital technology, selection of textbooks.

### Кириш

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган даврда жамият келажакдаги мутахассислардан мустақил равишда билим олиш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларга эга бўлиши, уларни турли муаммоларни самарали ҳал қилиши, фактларни тўплаш ва таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда асосли хулосаларни қабул қилиш учун амалда қўллаш талабларини қўяди, муваффақиятга эришиш учун мулоқотга киришиш, турли вазиятларда биргаликда ишлаш, зиддиятли вазиятлардан чиқиш йўлини излаш керак. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш йўллари топиб, танқидий ва ижодий фикрлаш, ўз маданий даражасини ошириш учун мустақил ишлаш жараёнларини ўзлаштириш талаб этилади. Таълим жараёнида профессор-ўқувчиларнинг юқоридаги кўникмаларини ва билим қобилиятларини ривожлантириш фаол таълим технологиялари орқали юзага келади.

Ҳозирги вақтда ўқитиш воситаларини танлашда асосий кўрсаткич Европа мамлакатларининг мазкур соҳа бўйича кенгашлари томонидан ишлаб чиқилган ва самарали умумевропа маълумот алмашиш тизимини ифодаловчи хорижий тилларни билишнинг якуний даражаларига эришишдир.

Тилни ўзлаштириш бўйича ўқув фаолияти ҳаяжонли, мазмунли фаолият ва ҳақиқий лингвистик ижодкорликка айланиши керак. Фақатгина бу ҳолатда талабаларда ўзини янги таълим стандартларига мувофиқ ривожлантириш истаги пайдо бўлади [1].

Шундай экан бугунги шиддат юилан ривожланиб бораётган рақамли иқтисодиёт шароитида таълим тизимида ўқитишнинг замонавий усуллари танлаш, инновацион ўқитиш усуллари жорий этиш, профессор-ўқитувчилар томонидан дарс жараёнида қўйилган аниқ мақсадларга эришиш учун ўқув қўлланмаларни тизимли равишда танлаш муҳим аҳамият касбэтади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ҳозирги вақтда глобал компьютерлаштириш инсон фаолиятининг барча соҳаларини, шу жумладан илм-фан ва таълимни қамраб олган. Интернетнинг ривожланиши ва ўқув жараёнини соддалаштирадиган кўплаб компьютер дастурларининг пайдо бўлиши чет тилларини ўрганишни сезиларли даражада ўзгартириб, ҳақиқий манбалар билан ишлашни тезроқ ва осонлаштирди.

Н.Б. Голубеванинг тадқиқотларида танқидий фикрлаш қобилиятини шакллантириш профессионал йўналтирилган чет тили таълимининг ажралмас қисми эканлиги ҳақида далиллар келтирилган. Ижтимоий фикрлаш сифатида танқидий фикрлашга таъриф берилган ва шу сабабли ушбу ҳодисанинг коммуникатив томони таъкидланган. Шунингдек, коммуникатив чет тили компетенциясининг характерли хусусиятлари ёритилган ва унинг шаклланиш шартлари кўрсатилган. Хулоса қилинганки, ушбу компетенция чет тили ва интерактив бўлиб, моҳиятан фанлараро боғлиқлиги асосланган [2].

Т.А. Иванова, И.В. Скугарева, А.Е. Шабановаларнинг тадқиқотларида глобаллашув жараёнлари келтириб чиқарган таълим тизимини ислоҳ қилиш шароитида олий таълим муассасаларида хорижий тилларини ўқитишнинг амалий тажрибаси ўрганилган. Унда чет тиллари кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув жараёнини такомиллаштириш мисоллари келтирилган [3].

Г.И.Окань томонидан чоп этилган мақолада олий ўқув юртга ўқитишнинг фаол усуллари жорий этиш зарурлиги асослаб берилган, “педагогик янгиликлар”, “фаол ўқитиш усуллари” каби тушунчалари очиб берилган. Асосий эътибор талабаларни касбий тайёрлашда “Ўқиш ва ёзиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантириш” инновацион технологиялардан фойдаланиш зарурлигига қаратилган [4].

Г.А.Трапезникова ва Ф.Я. Хабибуллина томонидан танқидий фикрлаш технологиясининг 3 босқичи ажратилган, яъни қийинчилик босқичи, мазмунни англаш босқичи ва ҳар бир босқичда қўлланиладиган усул ва услублар мисоллари билан фикр юритиш босқичлари келтирилган. Шунингдек, журналистик материаллар тили ва услубининг хусусиятлари очиб берилган. Танқидий фикрлаш технологиясининг “кластерлар”, “башоратлар дараҳти”, “бешта мисра”, “инсерт”, “сув устидаги доиралар”, “узун ва қисқа саволлар” каби усул ва услубларини ўқув жараёнида жорий этиш заруратини асослашган [6].

Юқоридаги таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, айнан хорижий тилларни ўқитишда рақамли технологияларни қўллаш, компьютер дастурларидан фойдаланиш, талабаларни дарс жараёнига жалб қилишда интерактив усулларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш жараёнлари бугунги кунда

қанчалик аҳамият касб этиши ва бу борада керакли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш лозимлигини тақозо этади. Чунки, бугунги кунда талабаларни дарс жараёнида ўз билим қобилиятларини рўйбга чиқаришлари учун рақамли технологияларни ҳамда компьютер дастурларини қўллагандан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

### **Тадқиқот методологияси**

Замонавий жамият томонидан қўйиладиган бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва касбий фазилатларига, уларнинг хорижий тилларни ўқитиш жараёнида ривожланиши, шунингдек, рақамли технологиялар ва Интернет-ресурсларидан фойдаланиш талаблари муҳокама қилиш, хусусан, бу профессор-ўқитувчи томонидан қўйилган аниқ мақсадларга эришиш учун ўқув қўлланмаларини тизимли равишда танлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнларда тадқиқот методологиясининг назарий ва қиёсий таҳлил, таққослама таҳлил ва умумлаштириш услубларини қўлланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Компьютер таълими дастурлари анъанавий ўқитиш усуллари билан бир қатор афзалликларга эга, бу биринчи навбатда тўғридан-тўғри аудиовизуал интерактив таъсир ўтказиш воситаси ҳисобланади. Анъанавий ўқитиш усуллари билан биргаликда уларни синфда қўллаш нутқ фаолиятининг ҳар хил турларини ўргатиш, лингвистик ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, лингвистик қобилиятларни шакллантириш, коммуникатив вазиятларни яратиш, тил ва нутқ кўникмаларини автоматлаштириш ва индивидуал ёндашувни амалга оширишни таъминлаш ҳамда интенсифлаштиришга имкон беради.

Талабанинг мустақил иши, шунингдек уларнинг билим фаоллигини, мотивациясини ва сифатини оширишга ёрдам беради. Компьютер коммуникация технологиялари талабаларнинг ижодий фаолиятини фаоллаштирадиган усулларни янги ёндашувда амалга оширишга имкон беради. Улар турли хил ўқув сайтлари ва тематик форумларда виртуал мунозараларда иштирок этишлари, турли ўқув юртлари талабалари билан биргаликда қўшма ижодий лойиҳаларни амалга оширишлари мумкин. Шундай қилиб, таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни таълимни индивидуализация қилишнинг фаол шакллари билан бири деб ҳисоблаш мумкин [7].

Янги технологияларнинг интерактивлиги, мультимедиа ва таркибни визуализация қилиш каби ажралмас хусусиятларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Шундай қилиб, таълим мазмунини компьютер орқали визуализация қилиш, айниқса, ўйинлар орқали, интерактив шаклда, ўқувчиларнинг когнитив фикрлаш услубларини, ижодкорлигини ва ақлий фаолиятини ривожлантиради, шунингдек, уларнинг психологик ва эмоционал ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади [8].

Таниқли олим Н.К.Рябтсеванинг сўзларига кўра “компьютер технологияларидан фойдаланиш ўқув жараёнида эвристик янгиликни жорий қилади ва ўз-ўзини самарали билиш ва такомиллаштириш учун мотивация яратади, шунингдек дарсни жозибали ва ҳақиқатан ҳам замонавий қилади, тренингнинг индивидуализацияси амалга оширилади, назорат қилиш ва хулоса қилиш ўз вақтида ҳамда объектив шаклда амалга оширилади» [6].

Норвич тилларни ўрганиш институти академик директори Тони Принснинг сўзларига кўра, ўқитувчилар рақамли технологияларни таълим бериш мақсадларида

қўллашганда, кўпинча қўйидаги саволларга эътибор беришади: «Энг яхши натижаларга эришиш учун қандай дастурлардан ёки компьютер дастурларидан фойдаланиш керак? [11].

Кейинги саволлар қўйидагича: “Ушбу технологиялардан қандай фойдаланиш керак?”, “Турли хил иловалардан қандай усуллар орқали фойдаланиш энг тезкор натижаларни беради?”, “Дарс давомида улардан қандай фойдаланиш керак?”, “Уларни қандай қўллаш керак?” Уларни қандай янгилаш мумкин?” ва ҳоказо.

Шу билан бирга, биринчи навбатда қўйиладиган савол жуда камдан-кам ҳолларда сўралади: яъни, “Нима учун рақамли ресурслардан фойдаланишимиз керак?” Шунини таъкидлаш керакки, агар биз дарс жараёни энг самарали бўлишини истасак, биз ушбу саволларни кўриб чиқиш тартибини ўзгартириб, биз эришмоқчи бўлган мақсадни белгилаш орқали технологиялардан фойдаланишни режалаштиришни бошлашимиз керак, яъни “Нима учун?”.

“Нимадан фойдаланиш керак?” деган саволни кўриб чиқишда биз муқаррар равишда жуда кўп сонли мавжуд бўлган рақамли манбаларга дуч келамиз, уларнинг ҳар бири уни энг самарали ёки инқилобий деб танлайдиган кўплаб жавобларга эга. Янгисини яратиш ёки мавжудини тадқиқ қилиш жараёнларини амалга оширадиган онлайн ва қурилмага ўрнатишни талаб қиладиган кўплаб рақамли манбалар мавжуд.

Ушбу манбалар турли хил курслар (MOOCs, I-tunes Courses), воситалар (GoogleDocs, Camtasia, Explain Everything), энтциклопедиялар ва бошқа академик манбалар (Google Search, Wikipedia, автономных словарей, Microsoft Office) ёрдам шаклида тақдим этилиши мумкин. Тадқиқотларни турли босқичларда ўтказиш, яъни маълумот тўплаш, синтез, тадқиқот жараёнини янада назорат қилиш ва тадқиқот натижалари билан ишлаш лозим.

Рақамли технологияларни танлашдаги асосий қийинчилик, биринчи навбатда “Ўқув жараёнида нимадан фойдаланиш керак?” ва ушбу дастурларнинг барчасини кўриб чиқиш шундан иборатки, биз танланган ресурслардан тўғридан-тўғри фойдаланишда юзага келадиган мураккабликларни билмаймиз, чунки уларни қандай қўллаш ва улардан тўғри фойдаланиш тўғрисида хабардорлигимиз йўқ. Профессор-ўқитувчида танланган манбалардан фойдаланиш учун барча имкониятлар ва қоидаларни олдиндан ўрганиш учун етарли вақт ёки хоҳиш бўлмаслиги мумкин.

Иловалар ва дастурлардан максимал даражада фойдаланиш учун аввал саволлар беришимиз керак: “Нима учун? Таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланишнинг асосий мақсади нима?”.

Бунинг сабаблари қўйидагича бўлиши мумкин:

- ўрганилаётган тушунчаларни такомиллаштириш;
- ўқувчиларни синфдан ташқарида ўқув дастурлари ва манбаларидан фойдаланишга ундаш орқали ўқитиш вақтини кўпайтириш;
- профессор-ўқитувчининг иш самарадорлиги даражасини ошириш;
- талабаларнинг мустақил фикрлашини ривожлантириш;
- компьютер технологиялари билан ишлаш кўникмаларини ошириш;
- талабаларнинг натижага эришишда қатъийлик ва мақсадга мувофиқлик каби фазилатларини ривожлантириш;
- талабаларни келажакдаги ҳаётга тайёрлаш;
- талабаларнинг мотивациясини ошириш;

- ишлатилган жисмоний ресурслар миқдорини камайтириш ва бошқалар.

Масалан, талабаларнинг ўрганилаётган материал ёки мавзу бўйича тушунчаларини яхшилашни истасак, мавзунини тушунишга ҳисса қўшадиган манбаларни кўриб чиқишни режалаштиришимиз керак. Бунинг учун сиз ушбу муаммони ҳар хил томондан кўриб чиқишингиз керак.

Ҳозирги кунда турли хил Интернет-ресурслари ўқитувчилар ва талабаларга кўплаб масалалар бўйича экспертларнинг фикрларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Профессор-ўқитувчи ҳар доим ҳам ҳар қандай соҳада тўлиқ билимга эга бўлишнинг иложи йўқлиги сабабли, шунингдек, ўқувчиларининг муаммолари ва эҳтиёжларига жуда фарқ бўлганлиги сабабли, ҳар доим ҳам бундай мутахассис сифатида ишлай олмайди. Бу эса алоҳида масала. Шунинг учун, маълум бир мавзунини ўрганиш учун тадқиқот мавзуси бўйича тўлиқроқ ва замонавий кўринишга эга бўлган мутахассиснинг фикри билан танишиш керак.

Мутахассисларнинг фикри билан танишиш учун ed.ted.com платформаси билан youtube.com ва ted.com каби Интернет-манбалар мос келади, бу сизга тавсия этилган видео асосида ўзингизнинг дарсингизни яратишга имкон беради. Ўқитувчи видеони тематик қисмларга ажратиши ва дарсда кўрганларини муҳокама қилиш орқали ишлаши мумкин [11].

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги таҳлилларга асосан таъкидлаш керакки, хорижий тилларни ўқитишда Интернет-ресурслардан фойдаланиш бугунги кун талабаларида барча керакли ва муносиб ваколатларни ривожлантириш учун шароит яратишга имкон беради.

Бугунги кунда профессор-ўқитувчилар томонидан кенг қўлланилаётган замонавий ғоялар ва тенденциялар билан биргаликда танишиш ва уларни кейинги муҳокама қилиш усуллари ҳам чет тилларини ўқитишда катта мотивацион кучга эга.

Шу билан бирга деярли ҳар бир талаба учун ўзларининг компьютерлари ва Интернетга уланган рақамли қурилмаларининг мавжудлиги профессор-ўқитувчининг талабаларни Интернет орқали чет тилини ўрганиш жараёнига жалб қилиш вазифасини анча енгиллаштиради [9].

Эътиборлиси шундаки, профессор-ўқитувчи рақамли технологияларни танлашда асосий саволлар қуйидагилардан иборат: нимадан фойдаланиш, қандай фойдаланиш ва энг муҳими, нима учун у ёки бу манбадан фойдаланиш керак. Бунинг учун, аввало, дарснинг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бинобарин, ушбу дарс доирасида компьютер янгиликларидан фойдаланиш зарур. Кейин биз ўзимизга ушбу мақсад ва вазифаларга юқори самарадорлик билан эришиш учун қандай ресурслардан фойдаланишимиз кераклигини ва ниҳоят, танланган ўқув воситаси қандай ишлашини сўрашимиз керак бўлади. Юқоридаги масалаларни батафсил тушуниш талабаларнинг ўқув жараёнига жалб қилинишини ва келажакдаги касбий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган кўникма ва қобилиятларни ривожлантиришни сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**



1. Беляева И.С. Из опыта составления учебного пособия по английскому языку для студентов технического вуза / И.С.Беляева, А.Е.Шабанова // Вестник Тверского государственного технического университета. Серия: Науки об обществе и гуманитарные науки. – 2016. – № 3. – С. 18–23.

2. Голубева Н. Б. Развитие критического мышления как важный элемент формирования профессионально-ориентированной иноязычной компетенции // Вестник университета. – 2015. – № 3. – С. 257–261.

3. Иванова Т.А. Обучение иностранным языкам в тверском государственном техническом университете в условиях интеграции России в единое образовательное пространство / Т.А. Иванова, И.В. Скугарева, А.Е. Шабанова // Вестник Тверского государственного технического университета.

Серия: Науки об обществе и гуманитарные науки. – 2016. – № 2. – С. 88–93.

4. Окань Г. И. Активные методы обучения в вузе: содержание и особенности внедрения // Научный диалог. 2012. № 1. С. 265–270.

5. Трапезникова Г. А., Хабибуллина Ф. Я. Использование технологии критического мышления при обучении студентов языкового факультета общественно-политической лексике // Вестник Марийского государственного университета. – 2017. – Т. 11. – № 2 (26). – С. 46–52.

6. Рябцева Н.К. Новые коммуникативные тенденции в современной культуре и инновации в области преподавания иностранного языка // Лингвистика и методика преподавания иностранных языков : периодический сборник статей. Выпуск 8. Электронное научное издание. – М.: Институт языкознания РАН. – 2016. – 557 с.

7. Boldyreva, N.V. Influence of information and communication technologies on effectiveness of educational process // European Science and Technology: Materials of the Vth international research and practice conference. Vol. II, Munich, October 3rd – 4th, 2013, publishing office Vela Verlag, Waldkraiburg – Munich – Germany, 2013, p. 75–80.

8. Brent, H. Infographic: The Gamification of Education. 2012 // <http://www.technapex.com/2012/08/infographic-the-gamification-of-education>.

9. Akai O.M., Kalashnikova A.A., Kalashnikov I.A., Pshenichnaya A.Yu. Pragmatic level of language personality in social networks. Current issues of linguistics and didactics: The interdisciplinary approach in humanities (CILDIAN 2017) Proceedings of the 7th International Scientific and Practical Conference. Advances in Social Science, Education and Humanities Research. – 2017. – P. 9–14.